БУГУНГИ СОНДА:

Мутасаддилари – халқ орасида



2-бет



2022 йилда 328 та янги трансформатор пункти ўрнатилади

2-бет



ТАҚИ ва ИННО технопарки ўртасида Меморандум имзоланди

3-бет

Ноқонуний қурилишларга барҳам бериляпти




4-бет


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 13 (566)
2022 йил 22 февраль, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## МУҲИМ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни Тошкент шаҳрида кўп квартирали уй-жой фондини бошқаришни такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда геология соҳаси ва кимё саноатидаги инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Коммунал хизматлар миллионлаб аҳоли турмушига дахлдор масала. Илгари кўп қаватли уйларга хизматни фақат мулкдорлар ширкати кўрсатар, техника ва мутахассислар етишмаслиги сабабли унинг сифати паст эди. Бугунги кунда эса бошқа бошқариш шакллари ҳам жорий қилинган.

2020 йилда тажриба тариқасида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 110 та кўп қаватли уй қонунчиликда белгиланган тартибда бошқарув компанияларига берилган эди. Бу тажриба 2021 йилда барча вилоят марказлари, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида давом эттирилиб, 15 та бошқарув компанияси томонидан хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Масалан, Навоий шаҳридаги 116 та кўп қаватли уйга битта бошқарув компанияси томонидан хизмат кўрсатилган бўлиб, муддати ўтган қарздорлик 2 баравар қисқарган. Бу компания 34 турдаги махсус техника олиб, аҳоли ва тадбиркорларга 20 дан ортиқ янги хизматларни йўлга қўйган.

Давлатимиз раҳбари бу тизимни кенгайтиришни рағбатлантириш кераклигини, йил якунигача бошқарув компаниялари томонидан хизмат кўрсатишни Тошкент шаҳрининг барча хизмат сифати паст туманларида жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Хизматларидан аҳоли рози бўлган ширкатлар ва уй-жойни бевосита бошқарувчилар бундан мустасно эканига алоҳида эътибор қаратилди.

– Бу ишларни тизимли ташкил этишимиз лозим. Ахир бу одамларимизнинг кундалик муаммолари, уларни ҳал этмасак, халқимиз биздан рози бўлмайди, – деди Президент.

Бунинг учун махсус ишчи гуруҳ жойларга чиқиб, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти, аҳоли фикрларини ўрганади, ширкатлар ва бошқарув компанияларининг молиявий муаммоларини ҳал этиб боради.

Фаолияти ва молиявий аҳволи қониқарсиз бўлган ширкатлар ҳудудини очиқ танлов асосида бошқарув компанияларига бериш масаласини ўрганиш топширилди.

Умуман, уй-жой бошқарув компанияларига муайян имтиёз ва енгилликлар берилиши қайд этилди. Жумладан, улар фойда ва мулк солиғидан озод этилади, ижтимоий объектларга аутсорсинг асосида хизмат кўрсатиш учун тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилади, махсус техника ва ускуналар сотиб олишга 90 миллиард сўм кредит ажратилади ва фоизларининг бир қисми қоплаб берилади, импорт қилинадиган ускуна ва техникаларга божхона божлари келгуси 3 йилда “ноль” ставкада қўлланилади, тугатилаётган ширкатларнинг муаммоли кредитлари 3 йилга музлатилади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига бундай ишларни барча ҳудудларда ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Тақдимотда 2022 йилда иссиқлик таъминоти тизимида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Хусусан, жорий йилда 10 та қозонхонани модернизация қилиш ва 2 та янги қозонхона қуриш, 120 километр иссиқлик тармоқларини янгилаш, натижада 24 минг 400 та хонадон ва 51 та ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик энергияси таъминотини яхшилаш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳалланинг иқтисодий, ижтимоий, илмий маркази бўлиши кераклигини айтган эди.

Тақдимотда шу борада Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек, маҳаллаларда болалар ва спорт майдончалари қурилади, йўлаклар тартибга келтирилиб, дарахтлар экилади. Бунинг учун 579 та маҳалланинг ҳар бирига бюджетдан 1 миллиард сўмдан ажратилган.

Президентимиз бу маблағдан самарали фойдаланиш, зарур бўлса, маҳаллий бюджетдан қўшимча ресурс йўналтириш бўйича кўрсатма берди. Бошқарув компанияларини жалб қилиб, 2 мингта кўп қаватли уйларни жорий ва капитал таъмирлаш кераклиги айтилди.

Маълумки, юртимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Хусусан, бу йил пойтахтимизда 1 миллион туп манзарали ва мевали дарахтлар экиш режалаштирилган. Тақдимотда шу борадаги ишлар ҳақида туманлар ва кўчалар кесимида маълумот берилди.

Тақдимотда Миллий боғ ҳудудида барпо этилиши режалаштирилган Давлат санъат музейи лойиҳаси, хусусан, дунёга машҳур “Ателье Брукнер” архитектура бюроси томонидан тайёрланган кўргазмалар, экспозициялар ва бошқа хоналарнинг жойлашуви режаси кўриб чиқилди.

Геология соҳасида амалга ошириладиган ишлар тақдимотида юқори технологик металлар қазиб чиқариш режалари баён қилинди. Жумладан, мис, ноёб металлар, магний, литий ва графит захираларини ўзлаштириш, углеводород хомашёси бўйича қидирув ишларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарига мамлакатимиз кимё саноатида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Хусусан, умумий майдони 31 гектардан ортиқ “Чирчиқ” кимё индустриал технопарки барпо этилмоқда. 2022 йилда технопарк ҳудудида жами 16,5 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, полимер термоэластопласт компонентлари, кўпиктирилган полипропилен, микробиологик препаратлар, қоғоз, косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланган.

Тошкент вилоятида фосфорли ва мураккаб турдаги минерал ўғитлар, “Навоийазот” негизида эса калий нитрат ва сульфат, метанолдан пропилен ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш, Кимёвий илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластерини ташкил этиш лойиҳалари кўриб чиқилди.

Мутасаддиларга тақдимот қилинган лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## ИНКАС таълим, тадқиқот ва тараққиёт маркази билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда





**Қурилиш вазирлигига ИНКАС таълим, тадқиқот ва тараққиёт марказининг ҳудудий директори Д. А. Меншов ва хорижий эксперт жаноб Насиб Румий ташриф буюрди.**

ИНКАС марказининг хорижий лицензия ва тажрибага эга бўлган эксперти томонидан вазирлик ходимларига лойиҳаларни бошқариш (PMP), Ахборот технологияларини бошқариш (ITsm), Киберхавфсизлик, ISO стандартлари ва бугунги куннинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган бошқа ўқув курслар ҳақида тақдимот ҳамда мастер класслар ўтказилди.

Мастер класс давомида мазкур ўқув курсларига қизиқиш билдирган ходимларнинг саволлари юзасидан тушунтиришлар берилиб, келгусида вазирлик ходимларининг малакасини ошириш мақсадида ИНКАС маркази билан ҳамкорлик қилиш режалаштирилди.

## Қурилишда ички талаб тўлиқ қопланади

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хабарингиз бор, қурилиш материаллари тармоғини янада такомиллаштириш, соҳада хорижий инвесторлар иштирокини таъминлаш ва экспорт кўрсаткичларини ошириш мақсадида 2022-2026 йилларда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган эди. Унга кўра, мамлакатимизда 2026 йилга бориб 42,3 триллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.**

Ўзбекистонда қурилиш кўрсаткичларининг давомий ўсиб бораётгани, ўз ўрнида мазкур жараёнларда ишлатиладиган қурилиш маҳсулотларининг миқдорини оширишни талаб этмоқда. Ички эҳтиёжни маҳаллий ишлаб чиқариш орқали қондириш мазкур ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳисобланади. Жумладан 2022-2026 йиллар оралиғида газобетон, иссиқлик сақловчи изоляция материаллари, қурилиш ойнаси ва цемент каби маҳсулотларга бўлган ички талаб тўла таъминланади.

Шунингдек, дастурга кўра 2026 йилга бориб қурилиш материалларининг экспорти 1,084 миллиард долларга ёки 2021 йилга нисбатан 2,5 бараварга оширилади. Асосий турдаги қурилиш материалларининг импорти 2020 йилга нисбатан 60 фоизга камайиб, 2026 йилда 185,6 миллион долларни ташкил этади. Тармоқни ривожлантиришга 2 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилинади. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда амалий ҳаракатлар бошланган.

Жумладан, маҳаллий бозорда шиша кристалитга бўлган талабни қоплаш мақсадида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшма ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида умумий қиймати 6 миллион доллар бўлган инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. “Lux stone group” масъулияти чекланган жамияти томонидан йилига 100 минг метр шиша кристалит ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шиша кристалит нима? Қандай мақсадларда фойдаланилади?

Шиша кристалит – шиша ёки сепамика бирикмасининг қўшимча элементлар иштирокида тўлиқ монолитланишига қадар синтезлаш йўли билан олинади. Мазкур маҳсулотнинг ишлаб чиқариш тартиби керамикага яқинроқ бўлса ҳам шишага хос хусусиятларини сақлаб қолади. Шиша кристалитнинг 300×300 ва 300×150 мм плиталари девор ва полларни қоплаш учун ишлатилади.




O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№13 (566) 2022 йил 22 февраль

# МУТАСАДДИЛАР ХАЛҚ ОРАСИДА





**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртбошимиз раҳбарларга фақатгина хонада ўтирмасдан, жойларга чиқиб, халқ орасида юриб, уларнинг муаммолари, фикрларини эшитиш ҳақида кўп таъкидлайди. Бу борада ўзи барчага ўрнак кўрсатмоқда. Зеро, бугунги тезлашган замонда эл орасида юрибгина уларнинг ҳақиқий дардини, мақсад ва муддаоларини эшитиш ҳамда ҳал қилиш мумкин.**

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги мутасаддилари Навоий вилоятида бўлиб, бошқарув компаниялари фаолияти билан яқиндан танишиб, аҳолининг фикр-мулоҳазаларини тингладилар.

Илк манзил Навоий шаҳрида фаолият олиб бораётган "Ҳумо-Зилола Барҳаёт" профессионал бошқарув компанияси бўлди. Мазкур бошқарув компанияси 101 та уй, 6 442 та хонадонга хизмат кўрсатади. Компания ўзини ўзи оқламаган 6 та ширкатни бирлаштирган ҳолда 2021 йилнинг август ойида фаолиятини ташкил этган. Бугунги кунда 14 560 нафар аҳолига 40 га яқин хизмат турларини тақдим қилиб келмоқда. Мутахассислар бошқарув ташкилоти ходимлари билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммолари билан қизиқди. Зеро, ушбу фаолиятни ривожлантириш учун даставвал уларнинг мавжуд муаммоларини ҳал этиш зарур. Шунингдек, ҳудуд аҳолиси билан учрашиб, уларга кўрсатилаётган хизматлар сифати кузатилди. Аҳоли таклиф ва мурожаатлари эшитилди.

"Ҳумо-Зилола Барҳаёт" бошқарув компанияси ҳудуддаги уй бошқарувчилари (домкомлар)га аҳолидан коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашларини тарғиб қилганликлари, улар орасида тушунтириш ишларини олиб борганликлари учун мажбурий бадал (квартплата)га 50 фоизли чегирмалар беришни йўлга қўйган. Ушбу ташаббусни вазирлик мутасаддилари ҳам қўллаб-қувватлаб, мазкур тажрибани республика миқёсида амалга ошириш кераклигини таъкидлашди. Шунингдек, "Ҳумо-Зилола Барҳаёт" БСК бошқарувидаги кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмига тушиб, иссиқлик таъминоти тизими билан танишилди. Ҳозирда мавжуд очиқ иссиқлик таъминоти тизимларини ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилди. Аҳолига ёпиқ тизимнинг афзалликлари, хусусан, ортиқча йўқотишларни олдини олиш бўйича тушунтиришлар берилди. Коммунал соҳани такомиллаштириш ҳамда хизматлар сифатини ошириш бўйича фикр алмашилди.

Бундан ташқари, мутахассислар Навоий вилояти "Иссиқлик манбаи" ДУК тасарруфида бўлган Навоий филиалининг "Лойқа сувларини тиндириш иншооти"да ичимлик ва техник сув тайёрлаш жараёнларини ҳам кўздан кечиришди. 2 млн куб сувни ўзида жамлаган иншоот ҳудуди 53 гектарни ташкил этади. Шундан, 28 гектарида сув ҳавзаси жойлашган. Бу ерда ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган сув тиндирилиб, тоза ҳолга келтирилади ҳамда махсус насослар орқали ичимлик сув манбаси бўлган Зарафшон дарёсига юборилади.

Вилоятда сув тармоқларини янада яхшилаш, демографик ўсиш ҳисобига тоза сувга бўлган талабнинг ортишини инобатга олган ҳолда тармоқларни кенгайтириш ва такомиллаштириш истиқболлари кўрилмоқда. Шунингдек, мавжуд авария ҳолатларининг олдини олиш бўйича лойиҳалар ҳам муҳокамада.



"Иссиқлик манбаи" ДУК 2020 йил ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 1 718 та иш ўрнига эга. Корхона Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Зафаробод қўрғони ҳамда Учқудуқ тумани аҳолисини 100 фоиз ичимлик суви, 90,4 фоиз иссиқлик, 68,3 фоиз оқова сув билан таъминлаб келади.

Вазирлик ходимларининг Навоий вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари, хусусан, ёш кадрлар билан учрашуви айниқса, кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Илиқ, дўстона кайфиятда ўтган учрашувда ислоҳотлар, уларни халқ манфаатидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш бўйича фикр алмашилиб, бу бўйича ёшларнинг фикр ва таклифлари тингланди. Хусусан, ҳудудлараро ва халқаро миқёсда тажриба алмашиш, ўқув курсларни ташкил қилиш каби таклифлар ўртага ташланиб, ҳар бир масала эътиборга олинди.

Маълумот ўрнида, ҳозирги кунда бошқармада 50 дан ортиқ ходим фаолият олиб бориб, уларнинг асосий қисмини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Сафар давомида вазирлик ходимлари вилоятнинг олис ҳудудларига ҳам бориб, кўп қаватли уйларнинг аҳолиси билан учрашдилар. Хусусан, Конимех туманидаги кўп қаватли уйларда бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ўрганилди ва уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш юзасидан масъулларга топшириқлар берилди. 150 нафар ходимга эга "Иссиқлик манбаи" ДУК Конимех тумани филиали фаолияти, марказий қозонхонадаги мавжуд 5 та иссиқлик қозони ҳамда ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳам кўздан кечирилди. Мутахассислар билан корхонани иқтисодий оптималлаштириш, аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Маълумот учун, Конимех туманида 1 642 та хонадондан иборат 52 та кўп қаватли уй мавжуд. Мазкур уйларда 8 218 нафар аҳоли истиқомат қилади. Туманнинг Зафаробод қўрғонидаги 31 та кўп қаватли уй марказлашган иссиқлик, ичимлик ва оқова сув тармоқларига уланган. Мазкур уйларга 2 та ширкат хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мутасаддилар Зарафшон шаҳридаги 323 та уй, 14 441 та хонадонда яшовчи 85 мингдан ортиқ аҳолини иссиқлик, ичимлик ва оқова суви билан таъминловчи "Иссиқлик манбаи" ДУК Зарафшон филиали фаолияти билан ҳам танишиб, келгуси ўн йиллик истиқболли лойиҳалари муҳокама қилинди. Зарафшон шаҳрининг чекка ҳудудларида 180 дан ортиқ кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган бўлиб, табиийки иссиқлик ва сув таъминотига ҳам талаб ортади.

Зарафшон шаҳридаги кўп қаватли уйлар лифтларида авария ҳолатларини олдини олишнинг ўзига хос тизими йўлга қўйилмоқда. Ушбу тизим смартфон орқали бошқарилиб, лифтларда авария ҳолатлари кузатилса тизимга хабар келади. Махсус платформа орқали лифтдаги ҳолатни кузатиш, қамалиб қолган фуқаро билан алоқага чиқиш мумкин. Тизим айни пайтда Зарафшон шаҳрининг айрим кўп қаватли уйларида синовдан ўтказиляпти.

Шунингдек, соҳа мутасаддилари Зарафшон шаҳридаги оқова сувларни тозалаш иншооти фаолиятини ҳам кўриб чиқишди. Суткасига 54 минг куб оқова сувни тозалаш қувватига эга бўлган иншоот ҳозирги кунда 12-14 минг куб оқова сувни тозалаяпти. Иншоот фаолияти тўлиқ талаб даражасида эмас, вазир томонидан ушбу жиҳатлар танқидий кўриб чиқилди. Маънан эскирган технологияларни замонавийларига алмаштириш, рақамли бошқарувни жорий этиш лойиҳаларини илгари суриш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумот учун, иншоот 2 қисмдан иборат бўлиб, 17 минг куб қувватга эга биринчи сув иншооти 1972 йилда ишга туширилган. Ҳозирда мазкур сув иншоотида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. 1989 йилда ишга туширилган 37 минг куб қувватга эга иккинчи сув иншооти эса бугунги кунда тўлиқ ишлаяпти.

Бундан ташқари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги мутасаддилари Зарафшон шаҳрида сайёр қабул ўтказиб, аҳоли билан яқиндан мулоқотда бўлишди. Зарафшон шаҳрининг масъул мутасаддилари ҳам қатнашган сайёр қабулда 100 га яқин маҳалла вакиллари, ширкат раислари ва ижтимоий фаол фуқароларнинг ичимлик ва оқова сув, иссиқлик тизими, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш бўйича мурожаатлари тингланди. Турли йўналишларда 20 та мурожаат қабул қилиниб, уларнинг ечими бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқ ҳамда айрим мурожаатлар бўйича аҳоли мавзеларига чиқиб масалани жойида ўрганиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўрганишлар давомида Учқудуқ тумани сув таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш лойиҳаси ҳам кўздан кечирилди. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида, туманда мавжуд 26 та ижтимоий объект, 42 та кўп қаватли уй ҳамда келгусида қурилиши режалаштирилаётган 12 та кўп қаватли уй, 866 та коттеж, 71 та давлат муассасаси ва 47 минг нафардан ортиқ аҳоли узлуксиз ичимлик суви билан таъминланади.

Шунингдек, сафар давомида "Иссиқлик манбаи" ДУК Учқудуқ филиали фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Мазкур корхона 1962 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 305 та кўп қаватли уй ҳамда 112 та коттежни иссиқлик ва сув билан таъминлаб келмоқда. Аҳоли сони, турар жойларнинг ортиши юзасидан кун сайин ошаётган талабни қондириш мақсадида корхонанинг маънан эскирган қисмларини модернизация қилиш, такомиллаштириш бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

Биргина мурожаат ортида миллионлаб халқ, унинг қадр-қиммати, ҳаёти туришини унутмайлик. Биттагина таклиф ёки ташаббус ҳам миллионлаб аҳолини минглаб муаммосига ечим бўлиши мумкин. Бу каби муаммоларни жойларга чиқиб ўрганиш ва юртдошларимиз билан яқиндан мулоқот қилиш орқали янада осон ҳамда тезроқ ечилиши бугун ҳеч кимга сир эмас. Ҳар бир соҳада шундай ташаббусларни кўпроқ амалга оширсак, юртимиз янада фаровон, халқимиз эса ҳаётидан миннатдор бўлар эди.

# ЕТТИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШДА ИШЛАР ҚИЗҒИН БОРЯПТИ

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбирлари.

**Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида ҳам "Инсонларга наф келтириш – олий бахт" шиори остида эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш, янги лойиҳалар асосида ихчам ва замонавий корхоналар бунёд этиш орқали янги иш ўринлари яратиш, ҳудудлар ободонлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Мазкур туман вилоят марказидан анча олисда жойлашган бўлиб, ислоҳотлар бошлангунга қадар ҳудуд аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган. Аҳолининг реал даромадлари ҳам шунга яраша бўлган ва ишсизлик муаммоси йил сайин ўсиб борган.

Ўтган беш йил оралиғидаги изчил ислоҳотлар ушбу ҳудудга ҳам янги ҳаёт бахш этди. Давлатимиз томонидан тадбиркорлик ва ишбилармонликни фаол қўллаб-қувватлаш борасидаги имтиёз ва имкониятлар самараси ўлароқ, туманда хорижий ҳамда қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 16 тага етди. Бу эса юзлаб иш ўринлари яратилишига замин яратди. Жалб этилган 10 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар натижасидаги 15 та корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда.

Бандликни таъминлаш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар ҳам эътирофга лойиқдир. Хусусан, амалга ошириладиган лойиҳаларда ҳам ушбу туманнинг асосан агросаноат мажмуи ва чорвачиликка ихтисослашганига катта эътибор қаратилди. Саховатпеша фермер хўжаликлари томонидан Қозоғистон, Россия ва бошқа давлатлардан наслли қўй ва эчки олиб келиб, кам даромадли оилаларга тарқатди. Шулар баробарида, Президентимизнинг топшириқлари бўйича туманда "Қўшработ ломан парранда" масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилгач, умумий қиймати 40 миллиард сўмлик лойиҳа юзасидан зарур ишлар олиб борилди. Шунингдек, аҳоли хонадонларида хонаки товуқларни кўпайтиришга ҳам эътибор берилмоқда. Озод, Қўралос ва Дўстлик сингари маҳаллаларда парвариш ишлари яхши йўлга қўйилгани боис, кўплаб хонадонларда ундан яхши даромад олишмоқда.

Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда ҳаётга татбиқ қилиш бўйича Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар доирасида Қўшработ туманида ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган режалар белгилаб олинди. Чунончи, ҳудуд кесимида ижтимоий инфратузилмани талаб даражасига мослаштириш, таълим, тиббиёт ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ барча эҳтиёжларни қондириш сингари масалалар кенг қамраб олинган.

Туманда бу борада ташкил қилинган ишчи гуруҳи биринчи навбатда ҳудуддаги 45 та маҳалладаги хонадонларда бўлиб, бу ердаги имконият, муаммолар, аҳолининг касб-кори ва қандай ишларга қурби етиши таҳлил қилингач, 7 йўналиш бўйича 113 та ўсиш нуқталари – драйверлар белгилаб олинди. Хусусан, Давлат раҳбарининг 2021 йил 23 ноябрдаги қарорига биноан 471 гектар, жумладан, 2022 йилда 188 гектар ғалладан бўшаган экин майдонлари очиқ электрон савдолари орқали аҳолига ижарага бериладиган бўлди. Бунинг учун ҳозирдан тадорик кўриляпти. Бундан ташқари, айни пайтда хўжаликлардаги 7 минг гектар узумзорларни ҳам 10 минг гектарга етказиш учун ишлар бошлаб юборилган. Мазкур боғларда замонавий технология асосида томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

Туман ҳокимининг ўринбосари Санжар Шодиевнинг таъкидлашича, 2022 йилда умумий қиймати 42,8 млрд сўмлик 35 та лойиҳани ўз ичига олган 4 та кичик саноат зонаси ташкил этилиши мўлжалланган. Ҳозирги пайтда уларни амалга ошириш юзасидан ташкилий ишлар қилиняпти. Бу билан қўшимча 500 нафардан ортиқ кишининг доимий бандлиги таъминланади.

Ургут туманида эркин иқтисодий зона самарасига биноан, Президентимизнинг қарорига биноан тумандаги Чорлоқ маҳалласи ҳудудидан 10 гектар ер майдони ажратиб, "Ургут" эркин иқтисодий зонаси филиалини ташкил қилиш назарда тутилган эди. Ҳозирги пайтда бу соҳадаги юмушларга астойидил киришилган. Ҳисоб-китоблар бўйича, режалар тўлалигича қарор топса, йил охирига бориб, туманнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 120 млрд сўмга етади. Ўз-ўзидан аҳолининг реал даромади ҳам аввалгиларга қараганда 2-2,5 бараварга ортади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан республикамизнинг барча вилоятларида "Янги Ўзбекистон" массивларини қуришга киришилгани бугун барчанинг тилида. Жорий йил бошида Қўшработ туманидаги Намуна маҳалласи ҳудудидан 19,2 гектар ер майдони қурилажак массив учун танлаб олинди. Мана бу ерда ҳадемай замонавий лойиҳалар бўйича ҳар бири 20 хонадондан иборат 56 та кўп қаватли турар жойлар, 1 056 ўринли умумтаълим мактаби, 60 ҳамда 120 ўринли иккита мактабгача таълим ташкилоти, ихтисослашган оилавий поликлиника, спорт комплекси, сайилгоҳ, маданият саройи, коворкинг маркази, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари сингари яна кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари бунёд этилади.

2022 йилги дастурга кўра, туманда ички йўлларни тартибга келтириш учун 30,3 километр, 7 километр маҳаллий ва 11 километр давлат аҳамиятидаги йўлларга асфальт қопламаси ётқизилиши, электр энергияси таъминотини яхшилаш учун маҳаллаларда 10 та янги трансформатор ўрнатиш ва 25 километр янги тармоқ тортиш, 8 та трансформатор ҳамда 52,2 километр тармоқни эса реконструкция қилиш режалаштирилди. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш бўйича ОПЕК дастури доирасида умумий қиймати 36,6 млн доллар маблағ ҳисобидан туман аҳолисининг 85 фоизи сифатли оби ҳаёт билан таъминланади. Бундан ташқари, яна 4 та сув иншооти ва 13,5 километр сув тармоғи тортилади.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Пангат оилавий шифокорлик пунктини янгидан қуриш, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан эса 3 та оилавий шифокорлик пунктини қайта қуриш ва 2 та оилавий шифокорлик пунктини капитал таъмирлаш режалаштирилган. Шу сингари болаларнинг мактабгача таълимга қамровини ошириш бўйича 3 та МТТ мукаммал таъмирланади. Соҳибкор, Майинтепа, Бозоржой, Қоратош, Қовунчи, Сориғул, Тоз, Озод маҳаллаларида 480 ўринли 8 та МТТ, 200 ўринга мўлжалланган 2 та давлат-хусусий шериклик асосидаги МТТ қурилиб, қамров кўрсаткичи 80 фоизга етказилади.

Бугун Қўшработ туманида фуқароларнинг эзгу мақсадлари рўёбга чиқмоқда...

# 2022 йилда 328 та янги трансформатор пункти ўрнатилади

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бу ҳақда "Наманган ҲЭТК" АЖ томонидан журналист ва блогерлар учун ташкил этилган брифингда сўз борди.**

Жамият раҳбари Жавлон Халилов таъкидлаганидек, 2022 йил – "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да паст кучланишли электр тармоқларини модернизация-реконструкция қилиш борасида кенг кўлами ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Вилоятдаги 6 706 та трансформатор пунктининг 2 239 таси ёки учдан бир қисми моддий ва маънавий жиҳатдан эскиргани, улар 40 йилдан ошиқ вақт мобайнида фойдаланиб келинаётгани сабаб истеъмолчиларга сифатли электр энергияси етказиб беришда қатор муаммолар юзага келмоқда.

– Жорий йилда 328 та янги трансформатор пункти ўрнатишни режалаштирганмиз. Яна 1200 километрга яқин электр узатиш тармоқлари тортамиз. Бу ишларнинг барчаси учун 111 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган, – деди Ж. Халилов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестицияларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-72-сонли қарорига асосан, 1192,2 км электр тармоқлари ҳамда 328 та трансформатор пунктлари ўрнатиш режалаштирилган.






Бундан ташқари, 2022 йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида вилоят бўйича 68,7 км узунликда паст кучланишли электр узатиш тармоқларини янгидан қуриш ва 33 дона трансформатор пункти ўрнатиш, 73,4 км узунликда паст кучланишли электр узатиш тармоқлари ва 40 дона трансформатор пунктини мукаммал таъмирлаш режалаштирилган.

Бош директор сўзида давом этар экан, Наманганда электр таъминоти бўйича ҳолати энг оғир бўлган 30 та маҳалла ажратиб олингани ва "оғир" ҳудудга киритилганини таъкидлаб ўтди. Ушбу маҳаллаларда электр тармоқлари, трансформатор пунктлари мукаммал таъмирланади ва янгиланади, темир-бетон таянчлар ўрнатилади. Мутасаддилар ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирида бўлиб, аҳоли учун тақдимот ўтказади ва бу ишлар қачон амалга оширилишига аниқлик киритади.

Халқимизда қишнинг ғамини ёзда кўр, деган нақл бор. Шунга амал қилган ҳолда, келаси куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилиши белгиланган. Хусусан, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига барқарор электр энергияси етказиб бериш мақсадида, 2117,2 км 0,4-110 кВтли электр узатиш тармоқлари ва 755 дона 6-10/0,4 кВ кучланишли трансформатор пунктларини мукаммал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Наманган шаҳри ҳамда туманларини электр энергияси билан таъминловчи 110/6, 35/10, 35/6 кВ кучланишли подстанциялар қувватларини ошириш мақсадида янги куч трансформаторлари ўрнатилиши, шунингдек, 110 ва 35 кВли электр узатиш ҳаво тармоқлари реконструкция қилиниши белгиланган. Бу ишларнинг бажарилиши ҳисобига ҳудудлардаги 317 500 дан ортиқ аҳоли ҳамда 14 500 дан ортиқ улгуржи истеъмолчининг электр таъминоти янада яхшиланишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги "Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3981-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида, вилоятда мавжуд 593 597 та истеъмолчига АСКУЭ тизимига мос электр ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлиб, 542 226 дан зиёд ҳисоблагич "Биллинг" дастурига улаш ишлари амалга оширилди.

Шу кунгача Жамият тасарруфидаги 6 635 та трансформатор пунктининг барчасига концентратор қурилмалари ўрнатилиб, ушбу трансформаторлардан электр энергияси билан таъминланган 612 335 та истеъмолчининг ҳисоблагичларидан автоматик тарзда кўрсаткич олиш ва назорат қилиш имконияти яратилди.

Брифингда, шунингдек, Жамиятнинг тегишли мутасаддилари тизимда амалга оширилиши режалаштирилган манзилли ишлар бўйича қўшимча маълумот бериб ўтди.

# ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ – шахс ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга хизмат қилади

**Бахтиёр ҲИДОЯТОВ,**
Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори в.б.,
**Суннат МАҲМУДОВ,**
кафедра ўқитувчиси.

**Сўнгги йилларда Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд-тергов амалиётининг барча босқичида шахс ҳуқуқларининг кафолатини янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.**

Хусусан, шахсни ушлаш, унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, ишда ҳимоячидан воз кечиш жараёнини мажбурий равишда видеоёзувга олиш тизими жорий этилди. Бу эса суд-тергов амалиётида шахсга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган турли хил таъсир чораларини қўллашнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Жиноят содир этганликда гумон қилинувчи шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддати ва дастлабки терговнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 7 ойгача камайтирилди. Тергов ва суд жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди.

Сўнги беш йил давомида амалга оширилган ислоҳотлар, босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибалар, эришилган ютуқ орқали Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун зарур бўлган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослар яратилди.

Маълум бир устувор йўналишлар, аниқ мақсад ва уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган ушбу стратегия республикамизда кейинги беш йил давомида амалга ошириладиган ислоҳотлар учун пойдевор вазифасини бажариб бериши кутилмоқда.

Маълумот учун: Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналиш, 100 та мақсад, ушбу йилда амалга оширилиши лозим бўлган 398 та чора-тадбирларни ўз ичига олади. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг иккинчи йўналиши ҳисобланади. Мазкур йўналиш 8 та мақсадни ўз ичига олган бўлиб, унинг "Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш" деб номланган 14-мақсади шахс ҳуқуқларининг кафолатини таъминлашга қаратилган. Бунда энг муҳим 6 та чора-тадбирни (вазифани) амалга ошириш назарда тутилган бўлиб, унда белгиланган ҳар бир вазифа шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хусусан, мазкур мақсадни амалга оширишда фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, хусусан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш (мажбурлов чораларини қўллаш, шу жумладан шахсни ушлаб туриш) билан боғлиқ чораларни қўллаш жараёнида қонунийликни таъминлаш ва унга риоя энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Албатта, шахсни ушлаш жараёнида унга нисбатан турли хил босимлар ва куч ишлатишларнинг олдини олиш мақсадида ушбу соҳа устидан қонунийликни таъминлаш шахс ҳуқуқларининг кафолати сифатида унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу соҳага рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам назарда тутилмоқда. Бунда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона электрон реестрни юритиш тизими ва ушбу электрон дастурни такомиллаштириш ҳам белгиланди.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, "Электрон суриштирув ва дастлабки тергов" ягона ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим ҳам шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичини рақамлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, эндиликда жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган ҳамда жазони ўтаб бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатини таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларидаги шароитларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳам белгиланмоқда. Меҳнатга жалб этилган маҳкумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш назарда тутиляпти. Стратегияда жазони ўтаб бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"ни жорий қилиш назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлар энг олий тамойил – "Инсон қадри учун" шиори остида шахс ҳуқуқлари кафолатини таъминлашга хизмат қилади.

# ТАҚИ ва ИННО технопарки ўртасида Меморандум имзоланди



**ТАҚИ ректори Эржан Каҳя билан ИННО технопарки бошқарувчи директори Мете Йилмаз инкубация дастурлари, ахборот-тажриба алмашиш, академик билимларни тижоратлаштириш, тадбиркорлик ва қўшма тадбирлар ўтказиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзолашди. Ушбу Меморандумнинг мақсади томонлар ўртасида умумий манфаатдор бўлган масалаларда самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ҳамда бунга кўмаклашишдан иборат.**

Шунингдек, ИННО технопарки бошқарувчи директори Мете Йилмаз ҳамда Маркетинг ва коммуникациялар бўлими бошлиғи Бекир Сенер билан Меморандумни амалга ошириш учун зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Меморандум доирасидаги қўшма фаолият умумий манфаатли масалалар бўйича маълумот, тажриба ва амалиёт алмашинуви, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни чуқурлаштирувчи қўшма илмий мақолалар тайёрлаш ва нашр этиш, конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш белгилаб олинди.

Шунингдек, "Технопарк" томонидан архитектура, қурилиш тизимлари муҳандислиги ва электротехника ва компьютер инжиниринги йўналишларида келгусида кадрлар тайёрлаш учун буюртмаларни шакллантириш бўйича ҳамкорлик, инкубация жараёнларини қўллаб-қувватлаш, технологиялар трансфери масалалари ҳам ўрин эгаллаган.

**Ўз мухбиримиз.**

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "Тошкент НЕТК" АЖнинг 2022 йил 21 февралдаги НБ 43-28/03-120-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти электр таъминоти корхоналари автотранспорт тураргоҳлари манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

| № | Автомототранспорт воситасининг тавсифи (ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами, техник ҳолати, русуми) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 211 LAA бўлган "Тико" русумли автомашина | 8 116 606 |
| 2. | 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 223 ABA бўлган "Тико" русумли автомашина | 7 969 192 |
| 3. | 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 241 NAA бўлган "Тико" русумли автомашина | 5 797 576 |
| 4. | 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 590 KAA бўлган "GAZ-66" русумли автомашина | 20 642 982 |
| 5. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 214 LAA бўлган "ГБА СПГ УАЗ-331512" русумли автомашина | 18 432 937 |
| 6. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 218 LAA бўлган "ВАЗ-2106" русумли автомашина | 2 397 452 |
| 7. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 417 SAA бўлган "GAZ-330373" русумли автомашина | 29 971 330 |
| 8. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 CA 348 бўлган "T28 X4M" русумли трактор | 13 786 246 |
| 9. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 932 EBA бўлган "ГАЗ-3102 Volga" русумли автомашина | 11 685 803 |
| 10. | 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 FA 784 бўлган "Belarus YUMZ 6KL" русумли трактор | 29 603 900 |
| 11. | Давлат рақами 10 248 NAA бўлган "GAZ-3110" русумли автомашина | 6 584 211 |

**Аукцион савдо 2022 йил 25 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2022 йил 18 март куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2022 йил 25 март куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2022 йил 11, 18, 25 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ

### нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 25 март куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога қуйидаги таъмирталаб ҳолатдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармасининг 2022 йил 17 февралдаги 196-сонли хати ва вилоят Қурилиш бош бошқармаси "Архитектура режалаштириш бюроси" ДУКнинг 2022 йил 21 февралдаги 11-сонли хатига асосан, 2016 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 90 881 VAA бўлган "Cobalt" русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 69 334 531 (олтмиш тўққиз миллион уч юз ўттиз тўрт минг беш юз ўттиз бир) сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси 2022 йил 25 мартдаги очиқ аукцион савдода сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 27 апрелгача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 5 (беш) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Гаров пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади:** 2020 8000 0049 5964 3001 "Ипотека-банк" АТИБ Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.

**Расмий веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 29 март куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2022 йил 9 февралдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Oloy-Invest" МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 202202193000847-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 11 855 069,6 сўм.
2. 202202193000846-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 752 675,84 сўм.
3. 202202193000845-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 11 555 624,8 сўм.
4. 202202193000844-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 524 224 сўм.
5. 202202193000843-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 22 485 360 сўм.
6. 202202193000841-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 25 928 975,2 сўм.
7. 202202193000840-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 160 066,4 сўм.
8. 202202193000839-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 491 867,6 сўм.
9. 202202193000838-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 197 974,8 сўм.
10. 202202193000837-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 871 725,6 сўм.
11. 202202193000836-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 045 112,32 сўм.
12. 202202193000834-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 871 725,6 сўм.
13. 202202193000833-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 12 498 875,92 сўм.
14. 202202193000832-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 10402762,32 сўм.
15. 202202193000831-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2572280,8 сўм.
16. 202202193000830-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 842987,08 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Oloy-Invest" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амур Темур кўчаси, 1-уй.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 29 март куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 "Турон банк" АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 29 март куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2021 йил 30 декабрь ва 2022 йил 14 февралдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Artfam-Invest" МЧЖ томонидан қўйилмоқда:**

1. 202102193009916-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 422 558,4 сўм.
2. 202202193001025-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 123 113,6 сўм.
3. 202202193001026-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 770 060 сўм.
4. 202202193001015-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 513 120 сўм.
5. 202202193001016-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 144 366 сўм.
6. 202202193001017-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 422 558,4 сўм.
7. 202202193001013-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 314 612,64 сўм.
8. 202202193001023-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 524 224 сўм.
9. 202202193001022-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 105 001,28 сўм.
10. 202202193001021-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 621 543,56 сўм.
11. 202202193001020-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 572 280,8 сўм.
12. 202202193001018-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 871 725,6 сўм.
13. 202202193001019-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 075 056,8 сўм.
14. 202202193001036-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 796 864,4 сўм.
15. 202202193001035-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 823 668,8 сўм.
16. 202202193001034-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 898 530 сўм.
17. 202202193001033-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 572 280,8 сўм.
18. 202202193001032-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 149 918 сўм.
19. 202202193001031-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 726 931,77 сўм.
20. 202202193001030-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 673 946,4 сўм.
21. 202202193001029-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 871 725,6 сўм.
22. 202202193001028-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 404 737,34 сўм.
23. 202202193001027-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 716 451,2 сўм.
24. 202202193001014-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 20 988 136 сўм.
25. 202202193001012-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 518 672 сўм.
26. 202202193001011-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 866 173,6 сўм.
27. 202202193001010-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 10 956 735,2 сўм.
28. 202202193001009-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 518 672 сўм.
29. 202202193001008-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 30 570 369,6 сўм.
30. 202202193001007-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 958 710,22 сўм.
31. 202202193001006-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 599 085,2 сўм.
32. 202202193001005-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 625 889,6 сўм.
33. 202202193001004-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 722 003,2 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Artfam-Invest" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 9-уй.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 29 март куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 "Турон банк" АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# “O‘Z MINBARIMDA TURIB DUNYOGA AYTMOQCHI BO‘LGANLARIM BOR”, –

## deydi TAQI talabasi Og‘abekjon Sharipov

**Rayhona XO‘JAYEVA,**
“O‘zbekiston bunyodkori” muxbiri.

**Ba’zan eng buyuk insonlar aynan o‘zi faoliyat yuritgan sohada emas, balki butunlay boshqa yo‘nalishda mashhurlikka erishganidan hayratga tushamiz. Zero, shoirdan ko‘ra zo‘r she’r yozadigan o‘qituvchi, rassomlardek o‘xshatib surat chizadigan shifokor, san’atkordan chiqqan oshpaz kabi bu ro‘yxatni yana ancha davom ettirish mumkin. “Kelajak bunyodkorlari” ruknimizning bugungi qahramoni ham shunday yoshlardan biri. Toshkent arxitektura-qurilish institutining 3-bosqich talabasi Og‘abekjon Sharipovni quruvchi-arxitektordan chiqqan shoir, deya bemalol ta’riflasak bo‘ladi.**



Qashqadaryo viloyatining Kitob tumanidagi so‘lim qishloqlarning biri Ayoqchi uning ilk ijod namunalari dunyoga kelgan makondir. Uning qalbida she’r va shoirlikka havas maktabda o‘qib yurgan paytlarida uyg‘ongan. Balki oilaviy tarbiya, ustozlar mehri, mo‘jaz qishloqning maftunkor tabiati uning murg‘ak qalbiga she’r tuyg‘usidek shaffof hisni joylagandir...

– Ayni bahor faslida, 6-sinfda o‘qiyotgan paytimda ilk mashqlarimni yozganman, – deydi Og‘abek biz bilan suhbatda. – Maqtanishga yo‘ymangu, ammo qo‘lidan hech kitob tushmaydigan bola bo‘lganman. She’r yozganim sari zavqim oshar, mendagi she’riyatga bo‘lgan ishtiyoq kuchayib borardi. Yozganlarim biroz yig‘ilgach, adabiyot o‘qituvchimizga ko‘rsatdim. Mehribon ustoz hammani oldida meni maqtar, kamchiliklarimni esa o‘zimgagina tushuntirardi. Endi o‘ylayman, o‘shanda ustozim meni endi tug‘ilgan iste’dodimni so‘ndirib qo‘ymaslik uchun ham shunday qilgan ekan. Chunki hozir o‘qib ko‘rsam u yozganlarim maqtagulik emas, bolalarcha yozilgan mashqlar ekan xolos.

Maktab tadbirlarini o‘z she’rlari bilan bezab yurgan chog‘ida uning bir nechta gazetalarda ilk ijod namunalari chop etildi. Maktabni a’lo baholarga tamomlagan Og‘abek tumanidagi akademik litseyda aniq fanlar yo‘nalishi bo‘yicha ta’lim olishni davom ettirdi. Matematikaning sirli olamini qunt bilan o‘rganishdan tashqari, bu yerda ham she’rlar yozishdan to‘xtamadi. Litseydagi ustozlari undagi ijodkorlik qobiliyatini rivojlantirishga yordam berishdi. Litseyni qizil diplom bilan tamomlagan yosh shoir Toshkent arxitektura-qurilish institutiga o‘qishga kirdi. Talabalik zavqi, shahar muhiti, yangi do‘stlar ijodkor bir yigitchaning qalbiga yanada beg‘ubor tuyg‘ularni joyladi.

Ayni paytda institutning Qurilishni boshqarish fakulteti, Qiymat injeneringi yo‘nalishida tahsil olayotgan Og‘abek arxitektura sohasida ham tinim bilmay izlanishda, yangi bilimlarni o‘zlashtirishda davom etyapti. Maktab-litsey davridanoq olimpiadalarda ishtirok etgani bois, institutda ham u iqtidorli talabalar safidan o‘rin egalladi. Hozirda ham u institutdagi olimpiadalar, ilmiy-amaliy anjumanlar va boshqa ijodiy tadbirlarning faol ishtirokchisi. Xususan, 2021-yilda Oliy ta’lim muassasalari talabalari o‘rtasida o‘tkazilgan Respublika fan olimpiadasida “Iqtisodiyot nazariyasi” fani bo‘yicha institutda faxrli 1-o‘rinni egallab, institutlararo bosqichda ham faol qatnashdi. Yil oxirida o‘tkazilgan “O‘zbekiston Respublikasi qurilish sohasi va ko‘chmas mulk bozorida innovatsion faoliyatning ustuvor yo‘nalishlari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumanda “Kichik biznes. Tadbirkorlik va ishbilarmonlik muhitini rivojlantirish” mavzusida yozgan maqolasi bilan ishtirok etib, sertefikatga ega bo‘ldi.

Og‘abek uchun 2022 yil boshidanoq omadli keldi. Boisi, yaqinda ota-onasining duolari, ustozlarining ko‘rsatmalari va ko‘magi bilan “Xayrli kunlarning birida...” nomi ostida uning ilk she’riy kitobi nashr etildi.

“She’riyatga shunchalik oshno ekansiz, arxitektura sohasida nima qilib yuribsiz?”, degan savolimizga Og‘abek shunday javob berdi:

– Bu savolni menga ko‘p berishadi. Ularga ushbu she’rim bilan javob bergim keladi:

*Savol berib qolishar goho:
Qanday yozding, so‘zing bebaho?
O‘zimniki emas hech vaqo,
Xudo bergan menga talantni.*

*She’r yozilmas so‘zlarni terib,
Ana o‘zing ko‘r bir urinib.
O‘zi shundoq qo‘ygan yuqtirib,
Xudo bergan menga talantni.*

*Ilhomni qandaydir siri bor,
Yurakning unga bo‘sh yeri bor.
Birodar, sen shuni bilib ol,
Xudo bergan menga talantni.*

*Samarasi bo‘lar mehnatni,
O‘rni katta va ibodatni.
O‘zim so‘ramadim, ushbu odatni,
Xudo bergan menga talantni.*

*Shoir yozsa, ko‘ngil kaliti,
Bilki, Xoliq zotning qudrati.
Tuyular-u senga g‘alati,
Xudo bergan unga talantni.*




O‘qiganingizdek, bu Allohning men bir bandasiga yuqtirgan iste’dodi. Shu o‘rinda ulug‘ shoirimiz Abdulla Oripovning bir gapini eslagim keldi: “Sharqliklarga she’riyatni o‘rgatib bo‘lmaydi”. Ha, shoirlik orttirilmaydi, yuqtiriladi. Kelajakda orzu-maqsadlarim bisyor. O‘z minbarimda turib, dunyoga aytmoqchi bo‘lganlarim bor. O‘z sohamning yetuk mutaxassisi bo‘lish bilan bir qatorda, ijodim orqali ham xalqimiz ma’naviy boyligiga hissamni qo‘shmoqchiman.

**Ijod namunalaridan:**

### Kuz voqeasi...

*Tutganlaring sarobmasmi Kuz?
Hislarimni o‘ynamadingmi?
Ilhom olib kirib kelgan qiz,
Shoirligim o‘ylamadingmi?*

*Yulduzlarga shaydo qizaloq,
Qolasanmi Yerda men bilan?
Endi har kun sarson bir varoq –
Uchrashamiz she’rda sen bilan!*

*Sirli fasl kuz ham shu mahal
Erkalaydi ruhiyatimni.
Aytolmadim senga ey, go‘zal
She’rdan chiqib muhabbatimni.*

*Yo‘qotishdan qo‘rqardi chunon
Yurak borku mana bu yerda!
Siyoh bo‘lsin jismimdagi qon –
Uchrashsak ham roziman she’rda!..*

* * *

### Xayrli kunlarning birida...

*Nimadir unganga o‘xshaydi
Ko‘ksimning mana bu yerida.
Omadim kulganga o‘xshaydi
Xayrli kunlarning birida...*

*Masjidga qadamlar sanadim
O‘sha tun oymomo nurida.
O‘zimga ummat deb qaradim
Xayrli kunlarning birida...*

*Mening bor umidim duodan –
Asl baxt kaftlarning to‘rida.
Men taqvo so‘radim Xudodan
Xayrli kunlarning birida..!*

# НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛЯПТИ

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги йилларда Наманган вилоятида ҳам бунёдкорлик ишлари кенгайиб, янги қурилган ишлаб чиқариш, маданий-маиший бинолар, уй-жойлар аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга жойларда ноқонуний қурилишлар ёки ўзбошимчалик билан ўрнатиб олинган қурилмалар ҳам учраб турибди.**

– Ана шундай ҳолатларни бартараф этиш долзарб вазифаларимиздан бири, – деди вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшодбек Ниязов. – Бу йўналишда мутахассислардан иборат гуруҳ мунтазам равишда ўрганишлар ўтказяпти. Шаҳар ва туман қурилиш бўлимларининг мазкур соҳадаги фаолияти ҳар ҳафта таҳлил этилади ва натижалар умумлаштирилади. Хусусан, Тўрақўрғон туманида ҳокимлик қошидаги ҳудудий комиссия томонидан 90 та ноқонуний қурилишлар аниқланди. Мазкур қурилмаларни 3 иш кунида бартараф этиш бўйича расман огоҳлантирилди. Шулардан 25 таси қисқа муддатда бузиб ташланди ёки эгалари томонидан кўчириб олиб кетилди.

Бу борада Норин туманида ҳам самарали иш ташкил этилган. Ўтган ҳафтада “Норинкапа” МФЙ ҳудуди ноқонуний қурилиш ҳамда кўчма қурилмалардан батамом тозаланди. Айни пайтда бошқа ҳудудларда ҳам изчил иш олиб борилмоқда.

Чортоқ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш ҳудудий комиссияси фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Бу ерда қурилиш, фавқулодда вазиятлар бўлимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда рейдлар ўтказилмоқда. Яқинда Навоий номли маҳалла ҳудудидаги ўрганишларда аниқланган ноқонуний қурилмалар бартараф этилди. Бунда туман қурилиш бўлими ходимларининг ҳиссаси катта бўлди.

Ўтган ҳафтада Янгиқўрғон туманидаги Бешбулоқ маҳалласида 4 та, Навкентда 2 та, Радивонда 6 та, Тинчликда 4 та, 16 та ноқонуний қурилиш хамда қурилмалар аниқланди. Уларни амалга оширган фуқаролар мазкур қурилиш ва қурилмаларни ўз ҳисобларидан бартараф этилишлари зарурлиги тўғрисида расман огоҳлантирилди.

Давлатобод туманида эса йил бошидан буён 42 та шундай қурилмаларга маъмурий баённомалар тузилиб, 22 та йирик ноқонуний қурилмаларни буздириш бўйича судга даъво аризалари киритилди.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Февраль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ бош директори – “Ўзбекистон бунёдкори” ижтимоий-иқтисодий газетаси бош муҳаррири **Дилшод Джалалов,**

Андижон вилояти, Избоскан тумани қурилиш бўлими мутахассиси **Ўткирбек Мамталиев,**

Бухоро вилояти, Ромитан туман қурилиш бўлими бош мутахассиси **Шахоб Аслонов,**

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Аслиддин Мурадов,** Пайариқ тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Зойир Хайитов,** қурилиш бош бошқармаси қошидаги “Архитектура-режалаштириш бюроси” УК нусха кўчирувчи **Нозима Мансурова,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси мутахассиси **Фирдавси Назаров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# КАСБ ЭТИКАСИ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

**Лутфилла МАМАРАЖАБОВ,**
Жиноят ишлари бўйича
Жиззах вилояти
Дўстлик тумани суди раиси.
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги йилларда жамиятимизнинг барча бўғинларида ўтказилаётган туб эврилишлар туфайли журналистика соҳаси ҳам янги босқичга кўтарилиб, давр билан ҳамқадам бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Матбуотчилар бугун яратиб берилган шароитлардан самарали фойдаланиб, юртимиздаги барча жараёнларга чуқур кириб бориб, янгиланишлар баробарида ислоҳотларга тўсиқлик қилаётган ва ҳамон эскича яшаш, ишлаш иллатидан қутила олмаётганларни мудроқликдан уйғотишга ҳаракат қилишмоқда. Ҳамкасбларимизнинг бу сингари саъй-ҳаракатлари янги Ўзбекистонни қуришимизга ҳисса қўшиш билан бирга халқимизнинг ҳам соҳа вакилларига янада ишончини орттиряпти.**

Ана шундай изланишлари билан ибрат кўрсатиб, касбдошларини ҳам дадилликка ундаётган, ислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ қилишда ўз тажрибаларини баҳам кўраётганлардан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмас экан. Соҳа улуғланганининг қадрига етиб, у орқали юрт осойишталиги, ободончилиги-ю, фаровонлигини таъминлашга беминнат ҳиссасини қўшиш ўрнига, журналист ниқоби остида бойлик тўплашни мақсад қилиб, фирибгарлик йўли билан фуқароларни чув тушириб юрганлар ҳам таассуфки, учраб турибди.

Қашқадарёлик Соли Келдиев (исм-шарифлари ўзгартирилди) вилоятда чиқадиган газеталардан бирининг мухбири вазифасида ишлаган. Фаолияти давомида зиммасидаги вазифани суиистеъмол қилиб, турли корхоналар, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва муассасалар раҳбарлари билан учрашиб, мақолалар тайёрлаш баҳонасида таҳриятнинг ўзига ишониб берган гувоҳномасини рўкач қилиб, тирноқ остидан кир қидириш йўли билан ҳаром луқма топишга одатланади.

Корхоналарга мухбирнинг ташриф буюриши барча соҳадагиларга янгилик эмас. Жойларда амалга оширилаётган ишлар ва оммалаштиришга арзийдиган янгилик ҳамда тажрибаларни оммавий ахборот воситалари орқали юртдошларимизга етказиш касб тақозоси. Лекин “Айби борнинг тиззаси қалтирайди” деб бежизга айтишмайди. Иш юзасидан хатоликка йўл қўйган раҳбар мухбирнинг эътиборига тушган камчиликларни тузатиш ўрнига, амалдаги қонунларимизда пора берганга ҳам, олганга ҳам жазо муқаррарлигини билган ҳолда коррупцион ҳолатни афзал кўриб, уни тинчитиш учун пора билан оғзини ёпади. Жамиятимизда ҳамон учраб турган айрим ношуд раҳбарларнинг бу сингари ғирром йўлдан юраётгани эса журналистлик ваколати доирасидан четга чиққан Соли кабилар учун аслида ниятини амалга оширишнинг айни муддаоси бўляпти.

Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас экан. Соли қарасаки, ноқонуний йўллар билан анчагина маблағни қўлга киритибди, ишлари хамирдан қил суғургандек осон кечиб, ҳеч ким мушугини пишт, демаяпти. Бундан руҳланган фирибгар фуқароларни ҳам алдашга ўтади. Бунинг учун ўзига ўхшаган кимсани топиб, воситачи қилади. Биринчи “мижози” – Тожикистон Республикасидаги институтлардан бирини тугатган Ж. Д.нинг ишончига кириб, унинг бакалавр дипломини нострификация қилишга ваъда бериб, эвазига 1 800 доллар олади.

Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Кейинги йилларда фирибгарлик жинояти юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича матбуотда кўплаб чиқишлар қилиняпти, бу борада ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг фикрлари берилмоқда. Шунга қарамай баъзи фуқароларимизнинг ўта соддалиги-ю, масалага бепарволиги фирибгарларга йўл очиб, йиллар давомида тийинлаб йиққан маблағини уларнинг қўлига топширишяпти. Бундай пайтда иллатнинг илдизини қуритиш осон кечмаяпти. Ж. Д. ҳам салкам олий маълумотли бўла туриб, соддалиги туфайли ҳам дипломидан, ҳам ҳамёнидан айрилди. Чунки пулни қўлга киритган Соли изсиз йўқолган эди.

Китоб туманилик Б. Р. эса тадбиркор бўла туриб, давлатимиз томонидан яратилаётган имконият ва шароитларнинг мазмун-моҳиятини ҳануз англаб етмаган кўринади. Акс ҳолда, солиқ соҳасидаги 5 млн 600 минг сўмлик қарзларини ўз жойига бориб тўлаб қўйиш ўрнига, “қарзингизни ёпиб бераман”, деган ёлғон сўзларга ишониб “учар мухбир”га 2 млн 800 минг сўм бермаган ва сўнг уни қидириб саргардонликда юрмаган бўларди.

Яккабоғ туманида яшовчи Н. Ш. ҳам Соли Келдиевга берган 24 миллион сўмни ердан супуриб олмаган, ўғлининг келажагини ўйлаб, йиллар давомида маошидан ойма-ой йиққанди. Икки йил аввал мактабни битирган фарзанди Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирига ҳужжат топшириб, тестдан белгиланган миқдордаги баллни тўплай олмайди. Бироқ супер контракт бўйича имконият борлиги, агар истаса, бу ишни Соли деган “таниқли журналист” 24 миллион сўм ҳисобига бир зумда ҳал этишини воситачи орқали эшитгач, унинг ҳузурига боради ва айтилган пулни беради. У каби шаҳрисабзлик В. Р. ўғлини ўқишга киритиб қўйиш учун 24 миллион сўм, Ш. З. эса қизини тиббиёт коллежига киритишга 800 доллар бериб, энди юртимизда амал қилаётган қонун-қоидаларга бефарқлигидан пушаймон. Нима ҳам дейиш мумкин, ҳар ҳолда ҳечдан кўра, кеч яхши-ку!

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтаётган ислоҳотлар жараёнида энг аввало, фуқароларимизнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, шу жумладан, биринчи навбатда, муҳтожларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ҳар йили минглаб кишилар ўз турар жойларига эга бўлишяпти. Бу борада узоқ муддатли ипотека кредитлари ҳам халқнинг хизматига йўналтирилган. Таассуфки, шундай имкониятлар бўла туриб, ўзимиз ўзимизни чуқур англамаганимиз оқибати яна ўзимизга панд бермоқда.

Шаҳрисабзлик Г. Ж. Тошкент шаҳридан бир хонали уй сотиб олишни мақсад қилади. Унинг ниятидан бохабар бўлган ҳожатбарор Соли дарҳол Г. Ж.ни топиб, ёлғон ваъдалар билан алдайди ва тузоғига илинтиргач, “бир ҳафта оралиғида пойтахтдан уй олиб бераман” деб 3 700 долларни олади. “Энди азим шаҳримизда менинг ҳам ўз уйим бўлади” дея ширин хаёллар оғушида юрган фуқаро бир ҳафта эмас, ойлар ўтса ҳам на уйдан ва на ҳожатбарордан дарак бўлмагач, фирибгарлик қурбонига айланганини тушуниб етади. Шунингдек, уй олиш учун унинг тумандошлари Л. Д. 1 000 доллар, З. Р. 1 300 долларни ҳожатбарорга беришган бўлса, шифокорлар Ш. Р. ҳамда И. А. эса ўзлари ҳақида газетада мақола ёзиш эвазига 4 млн 200 минг сўм пулларни “қаҳрамонимиз”га беришади.

Хулоса шуки, юртимизда амал қилаётган ҳаётбахш қонун-қоидаларни пухта ўзлаштирган киши ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди, фирибгарлар тузоғига илинмайди, ўзига ҳам жамиятга ҳам зарар етказмайди. Зеро, қонунларимиз инсонлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилганини унутмаслик керак.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-243.
2321 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 21.30.
Топширилди – 22.30.

1 2 3 4 5 6